



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG'OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy**

2021 -yil 3 - aprel

6614 -son

Bog'ot shaharchasi

Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласи ҳудудида жойлашган “RAJABBOEVA DILRUXSORA” фермер хўжалигига қаршли “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Тумандаги “RAJABBOEVA DILRUXSORA” фермер хўжалиги раҳбари Ж.Нурметовнинг Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида жойлашган “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 24 мартдаги ШЯ-Н-1284-сонли сўровномасини, Боғот туман ҳокимининг 2019 йил 26 сентябрдаги 196ф-сонли фармойишини, Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 26 февралдаги 185-сонли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 23 мартдаги 939-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 7, 20, 29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р                      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами 3 (уч)та хонадан иборат, жами ички ўлчами 66,20 квадрат метр, қурилиш ости майдони 82,56 квадрат метр, умумий ер майдони 400,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биноси “RAJABBOEVA DILRUXSORA” фермер хўжалигига тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. “RAJABBOEVA DILRUXSORA” фермер хўжалиги раҳбари (Ж.Нурметов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев